

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ИЛЪЯСОВА ЗУХРА КЕНЕСБАЕВНА

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНФОРМАТИКАНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ильясова Зухра Кенесбаевна

Педагогика олий таълим муассасаларида информатикани ўқитиш
методикасини такомиллаштиришнинг инновацион технологиялари3

Ильясова Зухра Кенесбаевна

Инновационные технологии совершенствования методики преподавания
информатики в педагогических вузах 19

Pyasova Zuhra Kenesbayevna

Innovative technologies for improving the methods of teaching computer science in
pedagogical universities37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works41

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ИЛЪЯСОВА ЗУХРА КЕНЕСБАЕВНА

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНФОРМАТИКАНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped615 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тайлаков Норбек Исакулович

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сеитназаров Куанышбай Кенесбаевич

техника фанлари доктори, доцент

Аширова Аноргул Исмоиловна

педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил « 18 » 03 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2021 йил « 6 » 03 кун тарқатилди.
(2021 йил « 6 » 03 да 24 рақамли реестр баённомаси).



Б.П.Отемуратов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К.Курбаниязова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Э.И.Рўзиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари тараққиётининг асосий тенденциялари орасида ахборотлашган жамиятга ўтиш муҳим ҳисобланиб, бундай жамият ахборот технологияларининг ривожланиши, билимлар ҳажмининг доимий ўзгариши билан бевосита боғлиқдир. Рақамли технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши информатика ва ахборот технологиялари (АТ) фанини ўқитишнинг инновацион тизимини ишлаб чиқиш, талабаларда информатикага доир билимларни ривожлантириш жараёнида махсус кўникмалардан (Hard skills) фойдаланишнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш устувор аҳамият касб этади. Айниқса, олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда информатика фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш, таълимни ахборотлаштириш шароитида кредит-модул тизими асосланган информатик махсус (электив) курсларни яратиш, информатика ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг инновацион модулларини ишлаб чиқиш, шунингдек инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этади.

Дунёда компетенциявий ёндашув асосида информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайергарлигини такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион ва креатив салоҳиятини ривожлантириш орқали рақобатбардошлигини таъминлашнинг дидактик механизмларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, педагогика олий таълим муассасаларида информатика фанини касбий соҳага йўналтириб ўқитишнинг интеграллашган технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, информатика фанини ўқитиш мазмунини кредит-модул тизими талаблари асосида структуралаштириш тамойиллари ва мезонларини аниқлаштириш, информатикага доир билимларни тўлиқ ўзлаштиришнинг амалий фаолиятга йўналтирилган инновацион-методик тизимини такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этади.

Республикамизда таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, “blended learning”, “flipped classroom” технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ўзлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш”¹ каби устувор вазифалар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда; 20-сон, 354-модда; 23-сон, 448-модда.

белгилаб берилди. Бу эса информатика фанини ўқитиш мазмунини касбий соҳага йўналтирилган ҳолда инновацион ташкил этишнинг методик тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда таълимни ахборотлаштириш назарияси, методологияси ҳамда амалиёти масалалари А.Абдуқодиров, М.Арипов, У.Бегимқулов, Р.Джураев, У.Юлдашев ва бошқалар, узлуксиз таълим тизимида информатикани ўқитишнинг илмий методик муаммолари Б.Бегалов, Ф.Закирова, Т.Калекеева, М.Лутфуллаев, М.Мамаражабов, У.Назаров, Н.Тайлаков, Т.Холматов, М.Цой ва бошқалар; таълимга ахборот ва инновацион технологияларни жорий этиш муаммолари Г.Абылова, М.Алламбергенова, А.Аширова, У.Насритдинова, Х.Турақулов, С.Турсунов, А.Шодиев, А.Ҳайитов, Р.Ҳамдамов, А.Эминов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида информатика ўқитишга оид таълим жараёнида инновацион технологияларни жорий этиш бўйича таълим эҳтиёжлари масалалари Д.Дырдин, Н.Елашкина, О.Зверева, А.Коврыго, В.Куклев, И.Мовчан, Н.Омарова, В.Сальников, Е.Соколков, А.Панфилова, Н.Пак, Н.Посталюк сингари олимлар томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатлар олимлари G.Fessakis, N.M.Stukalenko, Dr.Biljana, M.Nakaznyі, R.Winthrop кабиларнинг илмий изланишларида замонавий таълимда инновацион технологияларни самарали жорий этишнинг концептуал ва методологик масалалари, таълим тараққиётини жадаллаштиришга хизмат қилувчи инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари таҳлил этилган.

Бироқ педагогика олий таълим муассасаларида информатика фанини инновацион модуллар асосида ўқитиш мазмунини структуралаштириш

тамойиллари ва мезонлари, информатика фанини ўқитишнинг инновацион технологиялари махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, информатика фанини ўқитиш методикасини инновацион технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий изланиш олиб боришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 574097-ЕРР-1-2016-1-СҮ-ЕРРКА2-СВНЕ-ЈР рақамли “RUECVET: Россия ва Ўзбекистон таълими ва касбий таълимнинг миллий тизими учун (ECVET) зачет бирлигини (кредитларни) кўчиришнинг Европа тизимини пилотлаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади педагогика олий таълим муассасаларида инновацион технологиялар асосида информатикани ўқитиш методикасини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

информатика фанини ўқитишнинг амалиётдаги ҳолатини таҳлил этиш;
педагогика олий таълим муассасаларида информатика фанини ўқитишнинг методик шартларини аниқлаш;

инновацион технологиялар асосида информатика ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

информатика фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг методик таъминотини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инновацион технологиялар асосида информатика фанини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Нукус давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институтининг 490 нафар респондент-талабаси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети педагогика олий таълим муассасаларида информатика фанини ўқитиш мазмуни, методик тизими ва инновацион технологиялари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда педагогик кузатув, танқидий-қиёсий таҳлил, сўровнома, тест, тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

информатика фанини ўқитиш жараёни тузилмаси кредит-модул тизимининг мобиллик ва мослашувчанлик тамойиллари асосида ўқув материалларини катта блоklarда структуралаштиришга қўйиладиган дидактик талабларнинг информатика таълими билан бевосита идентифик даражасини ҳисобга олиш орқали аниқлаштирилган;

информатика фанини ўқитишнинг методик шартлари таълимни ташкил қилиш (student-centered education) орқали касбий соҳага йўналтирилган дуал тизимни алгоритм ва дастурлаш тилларини ўрганиш жараёнига қиёсан татбиқ этиш асосида аниқланган;

инновацион технологиялар асосида информатика фанини ўқитишнинг алгоритмик босқичлари ўқув мақсадларини мустақил белгилаш, матнли ҳужжатларни қайта ишлаш, ўқув фаолияти натижаларини лойиҳавий фаолият асосида баҳолаш, касбий тайёргарлик жараёнида индивидуал ва гуруҳий қайта алоқанинг интенсивлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

информатика фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг методик таъминоти таълим натижаларига эришишнинг модуллар тақсимотини юқоридан пастга (top down) ва пастдан юқорига (bottom up) йўналтириш изчиллигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

информатика фанини ўқитиш бўйича интерфаол ўқув-методик мажмуа ишлаб чиқилган;

информатика фанини ўқитишга доир модулли дастур профиллари яратилган;

Visual Studio дастурлаш тизимидан фойдаланиш бўйича C++ даражаси малака талаблари ишлаб чиқилган;

педагогика олий таълим муассасаларида информатикани ўқитиш методикаси, инновацион технологияларини такомиллаштиришга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув усуллар ва маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, саралаб олинган манбаларнинг репрезентативлиги ва ишончлилиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усулларига асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти информатика фани мазмунини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик ва методик хусусиятлари аниқлаштирилгани, кредит-модул тизимининг асосий тамойилларига устуворлик бериш асосида ўқув материалларини йирик блоklarда структуралаштиришга қўйиладиган дидактик талабларнинг белгилангани, педагогика олий таълим муассасаларида информатика фанини ўқитишнинг методик шартларининг аниқлангани, педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг инновацион технологиялардан фойдаланишга оид назарий билимларни, медиакреативлик кўрсаткичларини киритиш ҳамда мазмунан бойитиш, ўқитиш усул ва воситаларини такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти информатика фанини ўқитишнинг алгоритмик босқичлари инновацион технологиялар асосида такомиллаштирилгани, GROW (мақсад, реаллик, имконият, йўл) техникаси бўйича ўқув мақсадларини мустақил белгилаш, ўқув фаолияти натижаларини лойиҳавий фаолият асосида баҳолаш, индивидуал ва гуруҳий қайта

алоқанинг интенсивлигини таъминлаш йўлларининг кўрсатиб берилгани, информатика фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг методик таъминотининг такомиллаштирилгани, “Информатика” махсус курсининг ишлаб чиқилгани, мултимедиали электрон қўлланма яратилгани, талабаларни касбий шакллантиришга хизмат қилувчи технологиядан информатика фанини ўқитиш ва педагогик амалиёт жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогика олий таълим муассасаларида информатикани ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг инновацион технологиялари бўйича тадқиқот натижалари асосида:

информатика фани мазмунини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик ва методик хусусиятларини аниқлаштириш, кредит-модул тизимининг асосий тамойилларига устуворлик бериш асосида ўқув материалларини йирик блоklarда структуралаштиришга қўйиладиган дидактик талабларни бевосита ҳисобга олишга доир таклифлардан 5110700 – Информатика ўқитиш методикаси бакалавриат йўналиши учун “Информатика” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сон буйруғи, 274-028к рақамли гувоҳнома). Натижада, педагогика олий таълим муассасаларида информатика фанини модулли таълим технологиялари асосида ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

педагогика олий таълим муассасаларида информатика фанини ўқитишнинг методик шартларини аниқлаш, информатика ва ахборот технологияларининг таълим босқичларида ўқитишнинг узвийлиги ҳамда узлуксизлигига эришиш, инновацион технологиялар асосида информатика фанини ўқитишнинг алгоритмик босқичларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан 5110700 – Информатика ўқитиш методикаси бакалавриат йўналиши учун “Компьютер графикаси” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 февралдаги 133-сон буйруғи, 133-107 рақамли гувоҳнома). Натижада, педагогика олий таълим муассасаларида информатика фанини ўқитишда CorelDraw ва Adobe PhotoShop дастурларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

информатика фани ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг методик таъминотини такомиллаштириш, махсус курс дастури асосида ишлаб чиқилган мултимедиали қўлланманинг виртуал имкониятларини кенгайтириш, аралаш таълим (blended learning) бўйича онлайн ва офлайн ўқитиш шакллари адаптивлигининг барқарорлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2014-0910154408 “Умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-коммуникацион муҳитни яратиш ва амалиётга татбиқ қилиш” (2015-2017 йй.) лойиҳасини ишлаб

чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3939-сон маълумотномаси). Натижада, информатика фанини ўқитишда инновацион корпоратив таълим муҳити самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 115 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Педагогика олий таълим муассасаларида Информатика фанини ўқитишнинг назарий асослари”** деб номланади. Унда дастлаб педагогик олий таълим тизимида информатика таълими самарадорлигини ошириш педагогик муаммо сифатида асосланган ва таҳлил этилган. Ўзбекистон Республикаси педагогика олий таълим муассасаларида тайёрланаётган 5110700 – Информатика ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар очиб берилган. Сўнгра педагогика олий таълим муассасалари учун Информатика фанини ўқитишга асосий концептуал ёндашувлар ва фойдаланиладиган инновацион технологиялар ёритилган.

Тадқиқотнинг дастлабки параграфида республикамиз, МДХ ва хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларида информатика фанини ўқитиш билан боғлиқ тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Педагогика олий таълим муассасаларида Информатика фани умумқасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 1-2-курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Информатика фани 5110700 - Информатика ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналишида ўқитилади². Педагогика олий таълим муассасаларида Информатика фанини ўқитишдан мақсад

² Информатика. Фан дастури// А.Абдуқодиров, Н.С.Хайтуллаева, Н.Д.Мирзахмедова.-Тошкент. ЎзОЎМТВ.2017 й. 18 бет.

талабаларда ахборот назарияси, информатиканинг математик асослари, ахборотлашган жамият, бизнес жараёнидаги ахборот технологияларнинг ўрни, интеллектуал тизимлар, электрон тижорат, ахборот маҳсулотлари ва ахборот хизмати бозори тузилишини кўрсата билиш, оммавий, бошқарув ва иқтисодий характердаги масалаларни ечишда информатиканинг аҳамиятини тушунтириш бўйича билим ва кўникмаларини шакллантиришдан иборатлиги кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқот ривожда педагогика олий таълим муассасаларида Информатика фанини ўқитишнинг мазмунига қўйиладиган талаблар, фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига талаблар келтирилган, хусусан талаба:

назарий информатика элементлари, ахборот, унинг турлари ва кўринишлари, ахборотли жараёнлар, компьютер ахборотга ишлов беришнинг универсал воситаси, моделлаштириш, ахборотли моделлаштириш ва формаллаштириш, информатиканинг математик асослари, ахборотни жамият ривождаги роли, ахборотлаштириш, жамиятни ва таълимни ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий - меъёрий асослари, ахборий маданият ва уни шакллантириш, иқтисодий информатика, иқтисодий ахборотларнинг классификацияси, иқтисодий масалаларни ечишда қўлланиладиган амалий дастурлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

ахборотли жараёнлар, ахборотли моделлаштириш ва формаллаштириш, компьютернинг дискретлилик характери, информатиканинг математик асосларини, таълимни ахборотлаштириш, жамиятнинг ахборот ресурслари, ахборотлашган жамият технологиялари, ахборий маданият ва уни шакллантириш, иқтисодий информатика асослари, иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш технологиялари, иқтисодий масалаларни ечишда қўлланиладиган амалий дастурлар, иқтисодий масалаларни ечишда компьютерларни қўллашнинг асосий методларини билиши ва улардан фойдалана олиши;

ахборотни тасвирлаш усуллари, узлуксиз ва дискрет ахборотлар, ахборотни сақлаш, узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш, компьютер ахборотга ишлов беришнинг универсал воситаси сифатида ишлата олиш, жамиятнинг ахборот ресурсларида ишлай олиш, ахборотлашган жамият технологияларидан фойдаланиш, иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш технологиялари билан ишлаш, иқтисодий масалаларни ечишда компьютер технологияларидан ва амалий дастурлардан фойдалана олиш, интеллектуал тизимлар ёрдамида асосли қарорлар қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиши лозимлиги уқтириб ўтилган.

Бугунги кунда жаҳон тажрибасида аниқ фанларни таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассисликлар билан боғлаш тенденциясининг устуворлашиб боришини ҳисобга олиб, уларнинг хусусиятларига дифференциал ёндошган ҳолда муайян ўқув (ёки уларнинг туркуми) учун махсус ўқув дастурлари, ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш зарурлиги илмий асосланган. Хусусан, оддийдан мураккабга ўтиш

тамойилига кўра, ўқув жараёни узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, таълим тизимининг ҳар бир босқичига мос махсус дастурлар ва уларга мувофиқ ўқув адабиётларини босқичма-босқич яратиш зарурлиги уқтирилган.

Информатика фанини ўқитиш жараёнида талабаларда эркин, ижодий фикрлаш кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ўрганаётган соҳасининг ғоявий-мафкуравий масалаларни англаши ҳамда амалиётга татбиқ этиш, халқаро тажрибани умумлаштириш учун хорижий мамлакатларда чоп қилинган дарсликлар, махсус адабиётларни таржима қилишни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Умуман, Информатика курси мазмунининг динамик тарзда ўзгариб туриши ўқув дастурларининг доимий янгиланиши, шунга мувофиқ ўқув дастурлари дарсликларни тезкорлик билан янгиланиши тақозо қилмоқда. Шунинг учун маънавий эскирган ўқув адабиётлари ўрнига янгиларини яратиш ҳозирги даврда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устивор йўналиши бўлмоғи лозим.

Тадқиқот давомида педагогика олий таълим муассасаларининг 5110700 – Информатика ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналишида Информатика фанидан талабалар ўзлаштириши лозим бўлган минимал билим, малака ва кўникмалар мазмунига тўхталиб ўтилган, бунда асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари) бта модулдан ташкил топган, жами 420 соат 38 мавзу, 76 соат маъруза, 60 соат амалий, 96 соат лаборатория ва 188 соат мустақил таълим учун мавзулар келтирилган.

1-модул. Ахборот назариясининг асослари (1-7 мавзулар).

2-модул. Замоनावий ахборот технологиялари (8-10 мавзулар).

3-модул. Ахборотлашган жамият (11-14 мавзулар).

4-модул. Информатиканинг математик асослари (15-23 мавзулар).

5-модул. Ижтимоий ва иқтисодий информатика (24-31 мавзулар).

6-модул. Амалий дастурлар пакети (32-38 мавзулар).


Юқоридагилар билан бирга тадқиқот давомида амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар келтирилган.

Тадқиқот ривожидида педагогика олий таълим муассасаларида Информатика фанини ўқитишга асосий концептуал ёндашувлар ва фойдаланиладиган инновацион технологиялар келтирилган, бу жараёнда қўлланиладиган инновацион таълим технологиялари ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Педагогик олий таълим муассасаларида информатика таълимининг инновацион метод, шакл ва воситалари”** деб номланади. Унда дастлаб педагогика олий таълим муассасаларида Информатика ўқитишнинг инновацион модули келтирилган. Педагогик олий таълим муассасасининг 5110700 – Информатика ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши 1-курс Информатика ўқув фани махсус курси бўйича машғулотлар модуллари 1-расмда келтирилган.

Мазкур тузилмалар илмий билишнинг методик ва гносеологик тамойиллари, таълимни тартибга солиш ва меъёрий тамойиллари, дидактик қоидалар ва алгоритмлар, илмий тушунчалар, илмий билимларни

ривожлантириш тенденциялари ва информатика курси мазмунини акс эттиради.




*2-Модул. Замоनावий ахборот технологиялари модули бўйича амалий ва лаборатория машғулотлари мўлжалланмаган.

**3-модул. Ахборотлашган жамият модули бўйича лаборатория машғулотлари мўлжалланмаган.

1-расм. “Информатика ўқитиш методикаси” бакалаврият таълим йўналиши 1-курс Информатика ўқув фани махсус курси бўйича машғулотлар модуллари

Шунингдек, тадқиқотда педагогик олий таълимда информатика фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда таяниладиган асосий тамойиллар такомиллаштирилган. Улар мақсадга йўналтирилганлик, долзарблик, етарлилилик ва илмий ахборотнинг оптимал тўлиқлиги тамойилларини ўз ичига олади.



2-расм. “Информатика ўқитиш методикаси” бакалаврият таълим йўналиши 2-курс Информатика ўқув фани махсус курси бўйича машғулотлар модуллари

Тадқиқот ривожда педагогика олий таълим муассасаларида информатика фани бўйича машғулот турлари ва мазмунини тизимлаштиришнинг педагогик асослари ёритилган. Хусусан, Информатика фани ўқув дастурининг биринчи модули “Ахборот назариясининг асослари” 7та мавзуга бўлинган. Модулдаги мавзулар ва уларнинг мазмуни таълим мақсадлари ва давлат таълим стандартларига мос келади.


Модулар моҳиятини шакллантиришда ахборот назариясининг асосларига оид илмий аҳамиятга молик назарий маълумотлар, қонун-қоидалар ва тушунчаларни ўз ичига олган материаллардан фойдаланилган.

Тадқиқот ривожда педагогик олий таълим муассасалари учун Информатика фанини ўқитишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари келтирилган.

Шунингдек, педагогика олий таълим муассасалари учун Информатика махсус курсидан инновацион мультимедиали дастурий иловасини яратиш ва ундан фойдаланишнинг методлари ёритилган.

Тадқиқот давомида педагогика олий таълим муассасалари ”Информатика ўқитиш методикаси” бакаврият таълим йўналиши 1-, 2-курслар Информатика ўқув фани бўйича анъанавий ва махсус курси бўйича машғулотлар мавзуларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

Тадқиқот доирасида педагогика ОТМлари 5110700-Информатика ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши учун Информатика мультимедиали электрон қўлланмаси яратилган (№ DGU 06436 сонли гувоҳнома). Қуйида мультимедиа электрон қўлланмадан фойдаланиш жараёнидан лавҳа келтирилган (3 - расм).



3-расм. «Информатика» мультимедиали электрон қўлланмадан лавҳа

Диссертациянинг учинчи боби “**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва самарадорлигини аниқлаш**” деб номланади. Унинг дастлабки параграфиди тажриба-синов ишларининг асосий босқичлари ва мазмуни ёритилган.

Талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида учта олий таълим муассасаси: Нукус давлат педагогика инситути, Навоий давлат педагогика инситути ва Жиззах давлат педагогика институти танлаб олинган.

Тажриба гуруҳида информатика фани бўйича тайёрланган махсус курс дастури асосий материаллари, илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув қўлланма, педагогик технологияларга асосланган методик тавсиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслар, яъни информатика мультимедиали электрон қўлланмадан фойдаланган ҳолда ўқитиш ишлари олиб борилди. Назорат гуруҳида эса, анъанавий дарслик ва қўлланмалар асосида муассаса ўқитувчиларининг тажрибасига таянган ҳолда машғулотлар ўтказилди.

Информатика махсус курсини самарадорлик даражасини аниқлаш ва баҳолашда унинг қуйидаги асосий жиҳатларига эътибор қаратилган:

1. Таълим йўналишининг малака талабларига мослиги.
2. Ўқув материалининг ҳажми ва мазмуни.
3. Материал баёнининг илмийлиги (жумладан, асосий тушунча, қонун ва назарияларнинг илмий жиҳатдан тўғри ифодаланиши; курс асосига қўйилган илмий ғояларни сингдириш мунтазамлиги).
4. Информатика махсус курси ўқув материали баённинг тушунарлилик даражаси (жумладан: Информатика махсус курси мазмунини баён этишнинг талабаларнинг ўқув билиш имкониятларига мос келиши; Информатика махсус курсига киритилган ўқув материалининг тушунарли бўлиши).
5. Информатика махсус курси ўқув материалларининг мантиқий боғланганлиги (жумладан, материални баён этишда мантиқий фикрлашнинг турли усуллари - индукция, таққослаш, қарама-қарши қўйиш, қиёслаш билан хулоса чиқариш, исбот қилиш каби усулларидан фойдаланиш; амалий ва назарий ўқув материалларининг мутаносиблиги; тушунча, қонун ва назарияларни киритиш учун амалий материалларнинг етарли бўлиши).
6. Информатика махсус курси ўқув материални баён этиш усули (жумладан, инновацион усуллардан фойдаланиш; ўқитиш самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи янги методик усуллардан фойдаланиш).
7. Информатика махсус курсида технологик жараёнларнинг акс этиши;
8. Информатика махсус курсида ўқув материалининг асосий ва қўшимча қисмларга бўлиниши;
9. Саволлар, масалалар ва амалий топшириқларнинг мазмуни;
10. Информатика махсус курсидаги тасвирий материалларнинг мавжудлиги ва унинг сифати;
11. Тил раволиги ва ҳ.к.

Тадқиқот доирасида тайёрланган Информатика махсус курси ва мультимедиали электрон қўлланмани амалиётда фойдаланиш ва самарадорлик даражасини мутахассислар гуруҳидан ташкил топган экспертлар бир-биридан алоҳида равишда ўзаро музокараларсиз баҳолаганлар.

Тажриба синов олиб бориш учун Нукус давлат педагогика институти (Математика-информатика факультетидан тажриба учун 1а-ИЎМ, 2а- ИЎМ, назорат учун 1б-ИЎМ, 2б- ИЎМ, гуруҳлари), Жиззах давлат педагогика институти (Физика-математика факультетидан тажриба учун 107 гуруҳ ва 108 гуруҳ, назорат учун 109-гуруҳ ва 110-гуруҳлари), Навоий давлат педагогика институти (Физика-математика факультетидан тажриба учун 1а-гуруҳ, 2а-гуруҳ, назорат учун 1г-гуруҳ, 2г-гуруҳлари) назорат учун Информатика махсус курси ва бу буйича яратилган мультимедиали электрон қўлланма тажрибада синашда 490 талаба қамраб олинган, тажриба синов натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).


Олинган сонли маълумотларни Стьюден-Фишер критерийси асосида математик-статистик таҳлили ўтказилган. Тажриба-синов ўтказилгандан

Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг тажриба якунидаги умумий ўртача кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Талабалар сони	Жавоблар сони		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	82	33	39	10
Назорат гуруҳи	82	20	35	27

кейин олинган кўрсаткичлар тажриба гуруҳлариники назорат гуруҳдагиларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Педагогик олий таълим муассасалари танлаб олинган тажриба гуруҳларида қўлланилган махсус курс ва мультимедиали электрон қўлланмадан фойдаланиш синов методикаси самарадор бўлиб, ўтказилган тажриба-синов таҳлиллари уни республикамик микёсида оммалаштириш мумкинлигига асос яратган.

Бундан биз математик-статистик таҳлил қилиш учун ўртача умумий баллни олдик. Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг тажриба якунидаги умумий кўрсаткичлари қуйидагича:



4-расм. Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг тажриба якунидаги умумий кўрсаткичлари

Тажриба синов ишларида олинган охириги натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катта эканлиги ($K_{усб}=1,02>1$) ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катта эканлиги ($K_{бдб}=0,44>0$) маълум бўлди. Демак, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагилардан юқори бўлди.

Демак, олиб борилган тадқиқот ишларида яхши натижага эришилгани тажриба-синов натижаларидан яққол кўриниб турибди.

ХУЛОСА

«Педагогика олий таълим муассасаларида информатикани ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг инновацион технологиялари» мавзусидаги докторлик диссертацияси буйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Республикамикда инновацион технологиялар асосида фанлар кесимида махсус курсларни яратиш бўйича малакалар тўпланмоқда. Педагогик олий таълим муассасаларида Информатика фани таълимига доир ижтимоий, психологик, педагогик, методик адабиётларни илмий назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил

этиш Информатика махсус курсини яратишга қўйиладиган педагогик талаблар, мезонлар, уларнинг тузилиши, шакллари ва турларини бир бутун яхлит тизим сифатида тадқиқ этиш лозимлиги белгиланди.

2. Педагогик олий таълим муассасалари учун Информатика махсус курсини яратишга қўйиладиган педагогик талаблар, мезонлар ишлаб чиқилмаган, шу боис уларни бугунги таълим-тарбия тизимига кириб келаётган инновациялардан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш ва илмий жиҳатдан такомиллаштириш зарурлиги асосланди.

3. Информатика фани мисолида махсус курсни яратиш мезонлари белгиланди, яратиш босқичлари илмий асосланди, уларнинг тузилиши ва мазмунига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Махсус курсни яратишда таяниладиган тамойиллар илмий нуқтаи назардан очиб берилди.

4. Педагогика олий таълим муассасаларида 5110700-Информатика ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналишида Информатика фани таълими бўйича инновацион ўқитиш шаклларига етарли даражада эътибор қаратилмаган. Шу боис, тадқиқотда педагогика олий таълим муассасаларида 5110700-Информатика ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналишида Информатика фанини ўқитишнинг инновацион модуллари шакллантирилди.

5. Педагогика олий таълим муассасалари учун Информатика фанининг мақсад ва вазифалари, мазмуни, дидактик вазифалари, замонавий шароитга мослаштирилган бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятида зарур бўлган билимлари мазмунига мос равишда Информатика махсус курси шакллантирилди. Таълим тизимида махсус курс яхши самара бериши ва уларга катта эҳтиёж мавжудлиги аниқланди ва илмий нуқтаи назардан асосланди.

6. Махсус курс ДТСга мос келиши, талабаларда мустақил ва ижодий тушунчалар ҳосил қилиши, уларни билимларини онгли равишда ўзлаштиришга, қизиқиш уйғота олишга ва мустақил фикрлашга даъват эта оладиган маълумотларга эга бўлиши, фаннинг ўқув дастурига мувофиқ баён этилиши лозимлиги белгиланди.

7. Педагогика олий таълим муассасалари 5110700-Информатика ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши I босқичида қўлланиб келинаётган Информатика фан дастури асосида махсус курс бўйича Мультимедиали қўлланма яратилди ва амалиётга жорий этилди. Информатика махсус курсидан яратилган мультимедиали электрон қўлланма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллетуал мулк агентлигидан расмий рўйхатдан ўтказилди (№ DGU 06436 16.05.2019).

8. Мультимедиали қўлланмадан фойдаланиб, тажриба-синов ўтказилгандан кейин олинган кўрсаткичлар тажриба гуруҳларинида назорат гуруҳларидагига нисбатан юқори экани аниқланган. Синов натижалари яратилган махсус курсни таълим жараёнида қўллаш самарали эканини исботлади.

9. Инновацион технологиялар асосида яратиладиган махсус курс ва мультимедиали электрон қўлланма илм-фаннинг охириги ютуқларини ёритиши, илмий тушунча ва ғоялар, қонун ва қонуниятлар, тарихий ҳодиса ва ижтимоий жараёнларнинг ҳаётийлигига аҳамият берилиши, таҳлилий маълумотларнинг етарли даражада бўлиши, билим ва кўникмаларни узвий равишда ошириш, чуқурлаштиришга хизмат қилиши, шунингдек, унда фанга оид илмий ва амалий аҳамиятга молик назарий маълумотлар, қонун-қоидалар, тушунчалар берилиши лозимлиги асосланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped34.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НУКУССКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НУКУССКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ИЛЬЯСОВА ЗУХРА КЕНЕСБАЕВНА

**ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДИКИ
ПРЕПОДАВАНИЯ ИНФОРМАТИКИ В ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВУЗАХ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (информатика)

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Нукус – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2020.2.PhD/Ped615.

Диссертация выполнена в Нукусском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ndpi.uz) и на Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Тайлаков Норбек Исакулович

доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сеитназаров Куанышбай Кенесбаевич

доктор технических наук, доцент

Аширова Аноргул Исмоиловна

кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация:

Кокандский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «18» 03 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании разового научного совета на основе Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 по присуждению ученых степеней при Нукусском государственном педагогическом институте (адрес: 230105, город Нукус, улица П.Сейтова, дом без номера). Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Нукусского государственного педагогического института (зарегистрирована за № 24). Адрес: город Нукус, улица П.Сейтова, дом без номера. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Автореферат диссертации разослан «6» 03 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 24 от 6.03 2021 года).



Б.П.Отемуратов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н, доцент

З.К.Курбаниязова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

Э.И.Рузиев

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Среди основных тенденций развития стран мира важным является переход в информационное общество, и такое общество непосредственно связано с развитием информационных технологий, постоянным обновлением объема знаний. В условиях развития цифровых технологий интенсивными темпами особую актуальность приобретает разработка инновационной системы преподавания дисциплины “Информатика и информационные технологии (ИТ)”, эффективных путей применения специальных навыков (Hard skills) в процессе развития знаний студентов в области информатики. Особенно актуальным является повышение эффективности преподавания дисциплины “Информатика” в подготовке будущих учителей в системе высшего образования, создание специальных (элективных) курсов информатики, основанных на кредитно-модульной системе в условиях информатизации образования, разработка инновационных модулей совершенствования методики преподавания информатики, а также совершенствование путей использования инновационных технологий.

В мировых масштабах ведется ряд научных исследований в области совершенствования профессионально-педагогической подготовки учителей дисциплины “Информатика и информационные технологии” на основе компетентностного подхода, разработки дидактических механизмов обеспечения конкурентоспособности будущих учителей посредством развития их инновационного и креативного потенциала. Особенно, большое значение приобретает разработка интегрированных технологий профессионально-ориентированного преподавания дисциплины “Информатика” в педагогических высших образовательных учреждениях. Вместе с тем, особую актуальность приобретает конкретизация (уточнение) принципов и критериев структурирования содержания преподавания дисциплины “Информатика” на основе требований кредитно-модульной системы, совершенствование ориентированной на практическую деятельность инновационно-методической системы усвоения знаний по информатике в полном объеме.

В нашей республике уделяется особое внимание индивидуализации образовательных процессов на основе цифровых технологий, развитие дистанционных образовательных услуг, широкое внедрение в практику технологий вебинаров, онлайн, «blended learning», «flipped classroom», организации дистанционных образовательных программ на основе современных информационно-коммуникационных технологий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены в качестве приоритетных задачи – «продолжения курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда, внедрения международных стандартов обучения

и оценки качества преподавания»¹. Что предполагает совершенствование методической системы инновационной организации содержания профессионально-ориентированного преподавания дисциплины «Информатика».

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» от 19 февраля 2018 года, №-УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования до 2030 года» от 8 октября 2019 года, постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4851 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования в области информационных технологий, развитию и интеграции научных исследований с IT-индустрией», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В нашей стране вопросы теории, методологии и практики информатизации образования исследованы в работах А.Абдукодирова, М.Арипова, У.Бегимкулова, Р.Джураева, У.Юлдашева и других; научно-методические проблемы преподавания информатики в системе непрерывного образования – Б.Бегалова, Ф.Закировой, Т.Калекеевой, М.Лутфуллаева, М.Мамаражабова, У.Назарова, Н.Тайлакова, Т.Холматова, М.Цой и других; проблемы внедрения в образование информационных и инновационных технологий – Г.Абыловой, М.Алламбергеновой, А.Ашировой, У.Насритдиновой, Х.Туракулова, С.Турсунова, А.Шодиева, А.Хайитова, Р.Хамдамова, А.Эминова и других.

В странах Содружества Независимых Государств (СНГ) вопросы потребностей внедрения инновационных технологий в образовательных процесс по преподаванию информатики изучены такими исследователями, как Д.Дырдин, Н.Елашкина, О.Зверева, А.Коврыго, В.Куклев, И.Мовчан, Н.Омарова, В.Сальников, Е.Соколов, А.Панфилова, Н.Пак, Н.Посталюк и другие.

В научных работах ученых зарубежных стран, как G.Fessakis, N.M.Stukalenko, Dr.Biljana, M.Nakaznyi, R.Winthrop подвергнуты анализу концептуальные и методологические основы эффективного внедрения

¹ Указ Президента Республики Узбекистан. О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. №УП-4947. 7 февраля 2017 года. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70. №20, ст. 354; №23, ст. 448.

инновационных технологий в современном образовании, вопросы развития инновационной деятельности, способствующей интенсификации развития образования.

Однако, принципы и критерии структурирования содержания преподавания дисциплины “Информатика” в высших образовательных учреждениях на основе инновационных модулей, инновационные технологии преподавания дисциплины “Информатика” не были объектом специального исследования, чем и продиктовано проведение научного поиска по совершенствованию инновационных технологий методики преподавания дисциплины “Информатика”.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках темы 574097-EPP-1-2016-1-CY-EPPKA2-SBHE-IP «RUECVET: Пилотизация европейской системы (ECVET) зачетной единицы (кредитов) для образовательной системы России и Узбекистана, и национальной системы профессионального образования» плана научно-исследовательских работ Нукусского государственного педагогического института.

Цель исследования заключается разработке предложений и рекомендаций по совершенствованию методики преподавания информатики в высших образовательных учреждениях на основе инновационных технологий.

Задачи исследования:

подвергнуть анализу практическое состояние преподавания дисциплины “Информатика”;

